

СУҒУРТА БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Хушмурадов О.- ҚМШИ, доцент
Жўраева С.- ҚМШИ, талаба

Бугунги кунда Ўзбекистонда суғурта бозори фаол равишда ривожланмоқда. Бундай ривожланишнинг асосий манбаи, сунгги йиллардаги миллий иқтисодиётимизда намоён бўлаётган юқори суръатли ўсишлар, ҳамда давлатимиз ва ҳукуматимизнинг амалга ошираётган мақсадли фаолиятидир.

Суғурта бозорини ривожлантириш тўғрисидаги 2007 – 2010 йилларга мўлжалланган дастур Республика Президенти томонидан маъқулланди. Ушбу дастурда суғурта турларини ривожлантириш, суғурта хизматлари сифатини яхшилаш, суғурталовчиларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда суғурталашни тартибга солиш услубларини такомиллаштириш масалалари ўрин олган. Жумладан, ушбу йўналишда қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштириш, мажбурий суғурта турлари бўйича қонун лойиҳаларини тайёрлаш масалалари ҳал этилди. Шулар қаторида суғурта бозоридаги профессионал қатнашчилар таркибини кенгайтириш ва уларнинг фаолиятини оширишни тартибга солиш кўзда тутилганлиги эндиликда суғурта бозорида актуарлар, аджастерлар, сюрвейерлар фаолият юритадилар.

Суғурта хизматлари ҳажмини–спектрни кенгайтириш, уларнинг сифатини ошириш борасида бизнес соҳаси учун суғурта хизматлари кўрсатиш бўйича ягона талабларни киритиш, суғурта ташкилотларининг минтақавий бўлимлари сонини кўпайтириш, айниқса қишлоқ жойларида тадбиркорлик фаолиятини, импорт – экспорт операцияларини суғурталаш, узоқ муддатли ҳаёт суғуртаси бўйича янги суғурта маҳсулотларини жорий қилиш муҳим аҳамиятга эга.

2011 йил бошига суғурта хизматлари ҳажмини 3 баробарга, суғурталовчиларнинг суғурта захираларини 2,5 баробарга, суғурта хизматлари турини 3,3 баробарга кўпайтириш устувор вазифа этиб белгиланган.

2010 йилгача мўлжалланган дастур доирасида республиканинг 3 та йирик компанияларида “Ўзбекинвест” ЭИМСК, “Ўзагросуғурта” ДАСК, “Кафолат” ДАСК устав жамғармаларидаги давлат улушларини сотиш режалаштирилган.

Ҳозирда Ўзбекистон суғурта бозорида 28 та хар хил турдаги мулкчилик шаклидаги суғурта компаниялари фаолият юритмоқда. Шулардан битта компания ҳаёт суғуртаси бўйича, битта компания қайта суғурталаш бўйича, 26 та компания умумий суғурталаш бўйича шуғулланади.

2007 йилда барча суғурта компаниялари томонидан 72 млрд сўм суғурта мукофотлари йиғилган бўлиб, бу кўрсаткич 2006 йилга нисбатан 44,7 % га ошган. 2003 йилда суғурта компанияларининг суғурта мукофотлари 27,1 млрд сўмни, суғурта товони 2,7 млрд сўмни, устав капиталларининг жами миқдори 4,9 млрд сўмни ташкил қилган бўлса, 2008 йилнинг 9 ойида суғурта мукофотлари 64,1 млрд сўмни, суғурта товони 8,3 млрд сўмни, устав капиталларнинг миқдори эса жами 38,3 млрд сўмни ташкил этган.

Мазкур рақамлар мамлакатимизда суғурта бозорини тартибга солувчи норматив – ҳуқуқий база йилдан йилга такомиллашиб, суғурта фаолияти субъектларининг иқтисодиётдаги улуши ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Молия бозорининг узвий қисми саналмиш суғурта бозорини ривожлантириш ва суғурталаш жараёнини такомиллашиб боришига юртимизда катта эътибор бериб келинмоқда. Хусусан Юртбошимиз раҳномолигида мажбурий суғурта тизимини янада ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ислохотлар самараси ўлароқ ушбу бозор иштирокчиларининг фаолияти кенгайди ва аҳолининг суғурта тизимига бўлган ишончи мустаҳкамланди.